SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

№ S/4 (3) - 2023

# ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

# АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

# ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ
ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ
ELECTRONIC JOURNAL

**ISSN:** 2181-1342 (Online)

**Сайт:** https://scienceproblems.uz

**DOI:** 10.47390/SP1342V3SI4Y2023

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Махсус сон

***№ S/4 (3) – 2023***

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**ТОШКЕНТ-2023**

**БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

*07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

*08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

*09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

*10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич –филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

*12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа октори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

*13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шохида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

*19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

*22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

*23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атақулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

**ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

**Crossref DOI:**

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

**Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

**Таҳририят манзили:**
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com
Телеграм канал: https://t.me/scienceproblems_uz

## *МУНДАРИЖА*

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

*Аббасов Беҳзод Бахтиёрович*
1946 – 1965 ЙИЛЛАРДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИШЛАРИ ҲАМДА АҲОЛИНИ ЯНГИ ЎЗЛАШТИРИЛГАН ЕРЛАРГА КЎЧИРИШНИНГ БОШЛАНИШИ ........ 10-21

*Бабаджанов Хасан Бахтиёрович*
ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАЪМИНОТИДА ТОМОРҚА ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ЎРНИ ........ 22-27

*Саидбобоева Гулзора Нематжоновна*
ГОЭЛРО РЕЖАСИ ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ........ 28-36

*Rasulov Ma'murjon Foziljonovich*
OʻZBEKISTONDA XALQARO SAYYOHLIKNI RIVOJLANTIRISHDA MADANIY MEROS OBYEKTLARINING OʻRNI ........ 37-42

*Жиянбекова Шарофат Абдикахаровна*
А.С. ПУШКИН НОМИДАГИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КУТУБХОНА МАРКАЗИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ШАКЛЛАНИШИ ТАРИХИ ........ 43-51

*Esonov Ziyodbek Yuldashevich*
FARGʻONA VODIYSI QORAQALPOQLARI HUNARMANDCHILIGI TARIXIDAN ........ 52-58

*Фарманова Гульнара Комилевна*
ИЗ ИСТОРИИ ПЕРВЫХ АРХЕОЛОГИЧЕСКИХ РАБОТ И ИССЛЕДОВАНИЙ НА АФРАСИАБЕ ........ 59-65

*Turaev Sherzod Gulboy ugli*
DESCRIPTION OF CHARACTERISTICS AND TYPES OF LIVESTOCK FARMING OF SURKHAN OASIS IN B.H. KARMISHEVA RESEARCH ........ 66-71

*Сотиболдиев Ғайратжон Отамирзаевич*
ИНТЕРНЕТНИНГ ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА КИРИБ КЕЛИШИ ТАРИХИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР ........ 72-78

*Rasulov Azizkhon Mukhamadqodirovich*
ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ТАРИХИ МАНБАЛАРИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ ........ 79-90

*Абдуллажанова Нигорахон Турдалиевна*
БЕРУНИЙ ВА ИБН СИНО ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИ ТАРИХШУНОСЛИГИДАН ........ 91-95

*Дониёров Носиржон Абдухолиқ ўғли*
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА ИМЛО СИЁСАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТАРИХИДАН ........ 96-102

### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

*Юлдашев Обиддин, Махлиё Мамбетқулова*
ИСЛОМИЙ СУҒУРТА (ТАКАФУЛ) ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ........ 103-109

*Фозилов Умид Закирович*
БОШҚАРУВ ХОДИМЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ОҚИЛОНА БАҲОЛАШ ТАШКИЛОТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ АСОСИ ........ 110-118

*Shoyev Davronbek Axmadjonovich*
BOSHQARISH SIFATINI OSHIRISHDA “MENEJMENT LABORATORIYASI”NI TASHKIL QILISHNING O‘RNI ........ 119-125

*Орзуқулова Зумрад Абдуҳолиқ қизи*
ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ ........ 126-133

*Djurakulov Shoxrux, Isaxonova Mohinur*
O‘ZBEKISTONDA RAQAMLI IQTISODIYOT VA UNI TAKOMILLASHTIRISH IMKONIYATLARI ........ 134-139

*Raxmatullayeva Feruza Azimovna, Sharobiddinov Ahrorbek Qosimjon o‘g‘li*
YALPI HUDUDIY MAHSULOT SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO‘LLARI ........ 140-146

*Ёдгорова Шахноза Хайридиновна*
ЎЗБЕКИСТОНДА ВА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ТАЖРИБАЛАРИ ........ 147-155

*Qurbonov Ma’murjon G‘ayrat o‘g‘li*
ASOSIY ISHLAB CHIQARISH KO‘RSATKICHLARINI TAKOMILLASHTIRISH USLUBIYATI ........ 156-166

*Nurullayev Hoshimjon Hamidovich*
BUXORO VILOYATINING NOMODDIY-MADANIY MEROSONING O‘ZBEKISTON TURIZMI RIVOJLANISHIDAGI AHAMIYATI ........ 167-172

*Маматов Бахадир Сафаралиевич*
РИВОЖЛАНГАН ВА РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРНИНГ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ ТАЖРИБАЛАРИ ........ 173-188

*Ғойипназаров Санжар Баходирович*
ИНСОН КАПИТАЛИНИ РАҚАМЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДРАЙВЕРЛАРИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ МОДЕЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ........ 189-195

*Садинов Азиз Зиядуллайевич*
ЧИҚИНДИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ........ 196-203

*Қурбонова Рахима Жамшедовна, Мирзаева Ширин Нодировна, Хакимов Дамир*
ИЖТИМОИЙ КАПИТАЛНИ ЎЛЧАШДА ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ РОЛИ ........ 204-216

*Asamxodjayeva Shoira Shukurullayevna, Maxmudov Muxammadqodir Muzaffar o‘g‘li*
YASHIL IQTISODIYOTNING MOHIYATI VA UNGA INVESTITSIYALARNI YO‘NALTIRISH ZARURIYATI ........ 217-222

*Исломов Алишер Бахтиёр ўғли*
БУХГАЛТЕРИЯ АУТСОРСИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДА ПРОФЕССИОНАЛЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ........ 223-229

*Agzamova Nargiza Gapurovna*
SPECIFICS OF ETHNOGRAPHIC TOURISM AND ETHNIC TOURISM IN UZBEKISTAN ..... 230-237

*Муродова Дилноза Чориевна*
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ БЎЙИЧА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ВА УНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ ........ 238-245

*Khodjaeva Shodiyabonu Abitdjanovna*
QISHLOQ XO'JALIGIDA AGROMARKETING TIZIMINING AHAMIYATI VA UNING FUNKSIYALARI ........ 246-250

**09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**

*Нуруллаева Зулхумор Сидаматовна*
МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ МАДАНИЯТ ТИЗИМИДА МАҚОМ САНЪАТИНИНГ ЎРНИ ........ 251-259

*Ibroximov Sarvar Mo'ydinjon o'g'li*
IJTIMOIY-GUMANITAR VA MUTAXASSISLIK FANLARNI INNOVATSION PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA O'QITISH ORQALI TALABALARDA FUQAROLIK POZITSIYASINI TAKOMILLASHTIRISH ........ 260-265

*Yuldashev Ibroxim To'ychiyevich*
MOVAROUNNAHR VA XUROSONDA MINIATYURA SAN'ATINING ADABIYOT BILAN O'ZARO UYG'UNLIGI VA G'OYAVIY ESTETIK VA AXLOQIY TASAVVURLARINING MUSHTARAKLIGI ........ 266-271

*Khamdamova Sitora Safarovna*
MARKAZIY OSIYO XALQLARI TARIXIY TARAQQIYOTIDA KROSS-MADANIYATINING O'ZIGA XOSLIGI ........ 272-277

*Абдуллаев Джасур Абдиваит ўғли*
ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ КЛАССИФИКАЦИИ КАЧЕСТВ СОВЕРШЕННОГО ЧЕЛОВЕКА ........ 278-283

**10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

*Xasanov Akbarjon Abdurashidovich*
O'ZBEK TILSHUNOSLIGIDA MILLIY KONSEPTOSFERANI VOQELANTIRUVCHI LINGVISTIK BIRLIKLAR BO'YICHA AMALGA OSHIRILGAN TADQIQOTLAR ........ 284-292

*Qurbonova Muharram Jurabekovna*
XURSHID DAVRON SHE'RIYATINING TIL XUSUSIYATLARI ........ 293-297

*Сафарова Замира Рустамовна*
ИНГЛИЗЧА ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР ТАРКИБИДАГИ ИНСОН НОМЛАРИНИНГ ЭТИМОЛОГИК ТАСНИФИ ........ 298-304

*Gubaydullin Artur Faridovich*
THE NUANCES OF HUMOR TRANSLATION IN TERRY PRATCHETT'S 'GOOD OMENS' .... 305-313

*Tuxtayeva Dildora Zokirovna, Baxtiyorova Malikabonu Shavkat qizi*
ETEL LILIAN VOYNICHNING “SO‘NA” ASARIDA BOSH QAHRAMONLAR DINAMIKASI ... 314-318

*Seytnazarova Injayim Erjanovna*
TILEWBERGAN JUMAMURATOV ASARLARIDA UNDALMALARNING USLUBIY QO‘LLANILISHI ... 319-325

*Асадова Дилбархон*
ЎРХОН ПАМУҚНИНГ “ҚОРА КИТОБ” РОМАНИДА “ЎЗЛИКНИ ИЗЛАШ” МОТИВИ ..... 326-342

*Khusanov Eldor Davlat o‘g‘li*
BUYUK BRITANIYA VA AMERIKA INGLIZ SHEVALARINING O’XSHASH VA FARQLI JIHATLARI ... 343-348

## ***12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР***

*Утемуратов Махмут Ажимуратович*
ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ – ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ ... 349-355

*Шымбергенова Улзада*
ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИДА ВОЯГА ЕТМАНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ПЕДАГОГ (ПСИХОЛОГ)НИНГ РОЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ... 356-362

*Полвонов Нажмиддин Аслиддинович*
ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА МОЛ-МУЛКНИ МУСОДАРА ҚИЛИШ МАҚСАДИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ ... 363-372

*Мирзаев Шухрат Шавкатович*
КАТЕГОРИЯ «ДЕЙСТВИЕ ПРАВА»: ПОНЯТИЕ, СУЩНОСТЬ И ПРЕДЕЛЫ ... 373-382

*Муҳаммадиев Сарвар Асқар ўғли*
“ЖИНОЯТ НАТИЖАСИДА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ УНДИРИШДА РАҚАМЛАШТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ” ... 383-392

*Махмудов Суннат Азим ўғли*
ЖИНОЯТ ИШИНИ ТУГАТИШ АСОСИ СИФАТИДА ЯРАШУВ ВА ХУСУСИЙ АЙБЛОВНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ ... 393-399

## ***13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ***

*Farrux Axmedov*
XALQARO TAJRIBALAR ASOSIDA KURASHNI RIVOJLANTIRISH ... 400-409

*Музафарова Саодат Хайдаровна*
ЎРТА АСРЛАР ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ МАЪНАВИЙ МЕРОСИДА МУСИҚА ВА УНИНГ ЭСТЕТИК АҲАМИЯТИ ... 410-415

*Xaydarova Iroda Nizomiddinovna*
BO’LAJAK INGLIZ TILI O’QITUVCHILARI TALAFFUZINI TAKOMILLASHTIRISH NUQTAYI NAZARIDAN 2020-2021 O’QUV YILI FAN DASTURLARI VA MATERIALLARI TAHLILI ... 416-421

*Шукурова Нафиса Алишеровна*
ЗАМОНАВИЙ ВОЛЕЙБОЛГА ХОС ҲИМОЯ ҲАРАКАТЛАРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБДА ШАКЛЛАНТИРИШ ... 422-427

*Nigmanov Bori Botirovich*
FUTBOLCHILARNI TAKTIK TAYYORLASHDA HARAKATLI O‘YINLARNING AHAMIYATI ... 428-433

*Муродова Дурдона Раимжон қизи*
БЎЛАЖАК МУСИҚА ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ БАДИИЙ-ЭСТЕТИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯСИ ... 434-438

*Axmedov Alisher Nosir o‘g‘li*
ANSAMBL BILAN ISHLASH METODLARI VA TAMOYILLARI ... 439-447

*Saparboyeva Dilshoda Sobir qizi*
BOSHLANG‘ICH SINF O‘QUVCHILARIDA INSON QADRINI ULUG‘LASH MADANIYATINI RIVOJLANTIRISH MEXANIZMLARI ... 448-452

*Mansurbekova Feruza Gayratovna*
BOLALAR XORLARI BILAN ISHLASHNING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI ... 453-456

*Xodjayev Bolta Qurbonovich, Xojiyeva Matluba Shukurovna*
O‘QITUVCHI  MEHNATNI ILMIY ASOSDA TASHKIL ETISH YO‘LLARI ... 457-465

*Atamuratova Munira*
O‘ZBEK GURUHLARIDA INGLIZ TILINI XORIJIY TIL SIFATIDA O‘QITISHDA MADANIY ASPEKTDAN FOYDALANISHGA OID ZAMONAVIY YONDASHUVLAR VA INTERFAOL METODLAR TAVSIFI ... 466-471

*Нурилло Эминов*
ХОРАЗМ ДОСТОНЛАРИНИНГ МОҲИР ИЖРОЧИСИ ОТАХОН МАТЁҚУБОВНИНГ ИЖОДИГА БИР НАЗАР ... 472-476

SCIENCE PROBLEMS.UZ

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. -№ S/4 (3)-2023.
ISSN: 2181-1342 (Online)
https://scienceproblems.uz

*13.00.00 – Педагогика фанлари*

**Музафарова Саодат Хайдаровна**
ЎзДСМИ "Вокал" кафедраси доценти,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган маданият ходими
+99897-722-11-68

# ЎРТА АСРЛАР ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ МАЪНАВИЙ МЕРОСИДА МУСИҚА ВА УНИНГ ЭСТЕТИК АҲАМИЯТИ

**Аннотация.** Мазкур мақолада Ўрта асрлар Шарқ алломалари маънавий меросида мусиқа ва унинг эстетик аҳамияти ёритилган бўлиб, улар томонидан мусиқа санъатида олиб борилган йирик тадқиқотлар асосида шахсни тарбиялаш, унинг эстетик онгини ривожлантириш, мантиқий фикрини такомиллаштиришнинг илмий-назарий асослари ўрганилган.

**Калит сўзлар:** Санъат, адабиёт, мусиқа, чолғу ижрочилиги, эстетик тарбия, ижодкор шахси.

**Музафарова Саодат Хайдаровна**
доцент кафедры «Вокальный вокал» Государственного
института искусств и культуры Узбекистана,
Заслуженный работник культуры Республики Узбекистан
+99897-722-11-68

# МУЗЫКА И ЕЁ ЭСТЕТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ В ДУХОВНОМ НАСЛЕДИИ СРЕДНЕВЕКОВЫХ МЫСТИТЕЛЕЙ ВОСТОКА

**Аннотация.** В данной статье рассматривается значение музыки и духовного наследия средневековых ученых Востока в воспитании личности, развития и совершенствования ее эстетического и логического мышления и её эстетическое значение, научно-теоретические исследования, благодаря которых были установлены факторы, составляющие основу духовного воспитания.

**Ключевые слова:** искусство, литература, музыка, инструментальное исполнение, эстетическое воспитание, творческая личность.

**Muzafarova Saodat Haydarovna**
Assistant professor of the "Vocal" department of the
State Institute of Arts and Culture of Uzbekistan,
Honored Culture Worker of the Republic of Uzbekistan
+99897-722-11-68

# MUSIC AND ITS AESTHETIC IMPORTANCE IN THE SPIRITUAL HERITAGE OF MEDIEVAL MYSTERIES OF THE EAST

**Abstract.** This article describes the music and its aesthetic value in the spiritual heritage of medieval scholars of the East, on the basis of scientific and theoretical studies which established the factors of personality education, development and improvement of its aesthetic and logical thinking.

**Key words:** art, literature, music, instrumental performance, aesthetic education, creative personality.

DOI: https://doi.org/10.47390/SP1342V3SI4Y2023N51

Республикамизда юксак миллий ва умуминсоний маънавий қадриятларга асосланган янги демократик жамият барпо этилмоқда. Амалга оширилаётган туб ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий ислоҳотлар инсон ва унинг манфаатларига хизмат қилмоқда.

Бу ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнларнинг чуқурлашуви ва ривожланишида субъектив омиллар – инсоннинг ақл-идроки, тафаккур тарзи, интеллектуал салоҳияти, иқтидори, эркинлиги ва ижодкорлиги каби фазилатлар алоҳида рол ўйнамоқда. Буларни ҳаракатга келтирадиган ботиний куч маънавий манфат, эҳтиёж, интилишлар бўлиб, улар орасида ахлоқий эҳтиёж алоҳида ўрин тутиб, уни шакллантириш, тарбиялаш, энг муҳими, қондириш эса ижтимоий зарурият ҳисобланади.

Бинобарин, ақлий ва ахлоқий салоҳиятни мустаҳкамлаш Ўзбекистон тараққиётининг устувор йўналиши бўлиб, Республикамиз Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Бугунги шиддатли даврда чинакам маънавиятли ва маърифатли одамгина инсон қадрини билиши, ўз миллий қадриятларини, миллий ўзлигини англаши, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун фидойилик билан кураша олиши мумкин” [1.Б.16].

Ёшларимизни жисмонан ва маънан баркамол авлод этиб тарбиялаш борасидаги ислоҳатлар ҳаётимизнинг барча соҳалари билан ўзаро чамбарчас боғланган ҳолда, тизимли ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бу ҳол санъат ва маданият соҳасида ўз аксини топмоқда.

Ижодкор шахсларнинг шаклланишида илмий ижод ва мантиқий фикрлаш муҳим аҳамият касб этиб, бу жараённинг илмий-методологик асосларини ўрганиш, шаклларини ишлаб чиқиш, амалиётга жорий этиш борасида ўзига хос метод ва методологияни яратиш, бунда анъанавий ва замонавий таълим тизимига таяниш куннинг долзарб масаласи ҳисобланади.

Инсон ва уни тарбиялаш, етук шахсни камолга етказиш масаласи қадимдан Шарқ олимлари, мутафаккир ва донишмандларининг диққат- марказида бўлиб келган. Улар инсон зотини юксакликка кўтарганлар, уни тирик мавжудотлар орасида энг аълоси деб ҳисоблаганлар.

Мозийда яшаб ўтган мутафаккирларнинг инсон ва уни яшашдан мақсади, мукаммал жамият, одил ва маърифатли шоҳ, комил инсон ҳақидаги қимматли фикрлари ҳозиргача ўз қадрини йўқотмасдан, инсониятга хизмат қилмоқда.

Ўзбек халқининг минг йиллик тарихида дунё илм-фанига тамал тошини қўйган улуғ аллома ва мутафаккирлар яшаб ижод этганки, улар фаолиятининг асосини илмий-ижод ва мантиқий фикрлашини такомиллаштириш масалалари ташкил этади.

Ўрта асрлар Шарқ тарихи шундан далолат берадики, маданият ва таълим-тарбия, тиббиёт, адабиёт, санъат ва архитектура соҳаларидаги беқиёс юксалиш, илмий мактабларнинг вужудга келиши, янги-янги истеъдодли авлодлар тўлқинининг пайдо бўлиши ва вояга етиши – буларнинг барчаси биринчи навбатда иқтисодиёт, қишлоқ ва шаҳар хўжалигининг анча жадал ўсиши, ҳунармандлик ва савдо-сотиқнинг юксак даражада ривожланиши, йўллар қурилиши, янги карвон йўлларининг очилиши ва авваламбор нисбий барқарорликнинг таъминланиши билан бевосита боғлиқ бўлган [2].

Халқимиз тарихий тараққиёти Ўрта асрларда тубдан ривожланиб, ҳар бир фан соҳасида йирик тадқиқот олиб борган алломалар ва мутафаккирлар етишиб чиқди. Шунингдек, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётда, жумладан, мусиқа санъатини тараққий эттиришда ҳам жиддий ўзгаришлар юз берди. Бу даврга келиб, халқнинг табиий-ҳаётий эҳтиёжи асосида пайдо бўлган мусиқа асарлари бадиий жиҳатдан юксалди ва оммалашди.

Қадимги ва Ўрта асрлар Ўзбекистон ҳудудидаги санъат, унинг ҳолати тўғрисида фикр юритганда икки жиҳатга эътибор бериш лозим. Биринчидан, азал-азалдан ушбу ҳудудда анъанавий тарзда санъатнинг турли шакллари ривожланиб келган. Улар айни пайтда икки дарё оралиғида қадимдан яшаб келган ўзбек халқининг миллий маданий меросининг ўзагини ташкил этади. Айни пайтда, иккинчидан, Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудудида юз берган этномаданий жараёнлар, халқларнинг буюк кўчишлари, турли даврларда истилолар ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмаган. Мазкур жараённи ўрта асрлар қўшиқчилик санъати мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу даврда қўшиқчилик санъати жанрларининг бойиши янада кучайди. Анъанавий ғазаллар, тароналар, қасидалар билан бирга амал, нақл, пешрав каби жанрларнинг пайдо бўлиши миллий санъат ривожланишида янги босқич бўлди. Уйғониш даврида Марказий Осиё халқлари қўшиқчилик санъати назарий асослари Абу Наср Форобий (IX-X асрлар), Абу Али ибн Сино (X-XI асрлар), Ибн Зайло (XI аср), Сафиуддин ал-Урмавий (XIII аср), Маҳмуд аш-Ширози (XIII аср), Абдулқодир Мароғий (XIV аср), Абдураҳмон Жомий (XV аср), Зайнулобиддин Хусайний (XV-XVI асрлар) каби қатор мутафаккирлар тадқиқотларида янада такомиллаштирилди [5.Б.13-14].

Ўрта аср шарқ мутафаккирлари ва алломалари орасида Шарқ мусиқаси билимдони ҳамда бирор мусиқа асбобини яратган ижодкорлар ҳақида илк бор маълумот берган асар бу – “Таворихи мусиқийн” асаридир. Унинг муаллифи Мўжизий бўлиб унинг таржимаи ҳоли хусусида бизга тўлиқ маълумотлар етиб келмаган. Фақатгина унинг “Таворихи мусиқийн” асарида ёзганидек, у ушбу асарни 1854 йилда ёзиб тугатган. Унинг тўлиқ исми Исматулла бинни мулло Неъматулло Мўжизий бўлиб, Хўтанда вафот этган. Ушбу рисолада жами 17 та мусиқа илми намоёндаларининг ҳаёти, ижоди ва мусиқа илми соҳасида олиб борган ижодлари ҳақида маълумотлар берилган. Шарқ мусиқа илми намоёндалари орасида Абу Наср Фаробий, Мовлоно Аълий, Хўжа Шаҳобиддин, Абдулло Марваийт, Абдураҳмон Жомий, Низомиддин Миралишер Навоий, Муҳаммад Ҳоразмий, Нўмон Самарқандий, Мавлоно Соҳиб Балхий, шайҳ Сабоий Самарқандий, Қодирхон Ёркандий, Паҳлавон Маҳмуд, Мовлоно Лутфий, Юсуф Сакокий, Омонисахоним ва бошқа мусиқашунослар ҳаёти ва ижоди ҳақида кўплаб маълумотлар келтирилган [3.Б.35-36].

Уйғониш даврининг буюк олими Абу Наср Форобий анъанавий қўшиқчилик илми билан жуда жиддий шуғулланган. Унинг “Мусиқа ҳақида катта китоб” номли фундаментал ишида ўрта аср мусиқаси тарихи ва назарияси масалалари, мусиқа яратиш тамойиллари ва мусиқа асбобларининг тузилиши ёритилган. Форобий дунёқараши жаҳон цивилизациясининг мураккаб босқичларидан бири бўлмиш IX-X асрларнинг кучли ва заиф томонларини ўзида мужассам этиб, шу давр маданий ютуқларининг илмий синтези бўлиб қолди. Форобий фалсафаси IX-XIII асрлар Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ, Шимолий Африка ва “араб” Испаниясининг ижтимоий-фалсафий тафаккури ривожига ҳал қилувчи таъсир кўрсатди. Кейинчалик бу таъсир Европага ҳам ёйилди. Форобий ўзига хос қимматли ғояларни илгари сурдики, бу билан янги фалсафий оқимга асос солди ва шу тариқа Шарқ ва Ғарб маънавияти ва маданияти тараққиётида муносиб из қолдирди.

Санъатда, айниқса қўшиқчилик санъатидаги транформацион жараёнлар Амир Темур даврида айниқса кучайди. Ушбу санъат соҳасида демократик жараёнларнинг мавжуд бўлишини ҳам Амир Темур даври билан боғлаш тўғри бўларди, зеро айнан Буюк Соҳибқирон ташаббуси билан мусиқий поэтик мусобақаларни уюштириш вужудга келган. Мусиқачи, ашулачи ва шоирлардан иборат бўлган ижодий гуруҳлар асосан халқ ва мумтоз анъаналарга суяндилар.

X-XI асрларда Ўрта Осиёдан чиққан олимлар томонидан араб тилида яратилган мусиқа илмига оид уч мухим асар қўлёзмалари XX аср араб шарқшунослари томонидан тадқиқ этилган, танқидий матнлари тузилган ва нашр этилган. Биринчиси, Ибн Синонинг “Мусиқа илми тўплами№ нинг танқидий маши 1956 йил Кохирада нашрдан чиқди. Танқидий матн ва китоб муқаддимасини Закария Юсуф тайёрлаган. Муқаддимада “Мусиқа илми тўплами”нинг мавжуд ва малум қўлёзмалари хақида гап боради. Китобда яна Махмуд Ахмад Ҳафнийнинг кириш сўзи бор. Кириш сўзида ўрта асрлар Шарқ мусиқашунослиги, Киндий, Форобий ва Ибн Сино мусиқий-назарий қарашлари мухокама қилинади ва танқидий матнни тайёрлашда фойдаланилган қўлёзмалардан иккитасига баҳо берилади. Умуман, Ибн Синонинг “Мусиқа илми тўплами” асарининг танқидий матни учун ёзилган муқаддима илмий жихатдан камтарона ёзилган. Иккинчиси 1964 йил Закария Юсуф Ибн Зайланинг “Мусиқага оид тўлиқ китоби” нинт танқидий матнини чоп этди. Нихоят, 1967 йили Фаттос Абдулмалик Ҳашаба Форобийнинг “Катта мусиқа китоби”нинг танқидий матнини илмий шархи билан эълон қилди. Мазкур тадқиқотга Маҳмуд Аҳмад Хафний мухаррирлик қилди ва кириш сўзи ёзди. Бундан ташқари, танқидий матн олдидан тадқиқотчи Ғаттос Абдулмалик Хашабанинг муқаддимаси бор. Устоз Хашаба бетма-бет бериб борган шархлар ҳажми танқидий матннинг хажмидан анча катта. Матннинг шарҳи илмий томондан пухта жиҳозланган. Аммо мусиқий - назарий масалаларнинг тахлилида ҳам, мусиқий атама ва тушунчаларнинг шарҳида хам, ҳамма нарсани арабчалаштиришга мойиллик бор [4.Б.14-15].

Фаҳриддин ар-Розий Шарқда биринчилардан бўлиб илмий методологияга асос солган. Абу Райҳон Берунийдан кейинги давр ўрта аср шарқ фалсафасини ўз фикрлари билан бойитди. Машҳур калом олими ва диний фалсафа намоёндаси бўлган. У қомусий олим бўлиб, Рай шаҳрида туғилган бўлса-да, ҳаётининг кўп қисми Бухоро, Самарқанд, Насаф, Хоразм, Банокат ва Марвда яшаган. Жумладан, Бухорода буюк мутафаккирлар

Абу Али ибн Сино ва Абу Наср Форобий таълимотларидан таҳсил олади, илмий баҳсларда қатнашади. Хиротда унинг учун махсус мадраса таъсис этилган, шайҳулислом лақаби билан машҳур бўлган.Фахриддин ар-Розий Арасту, Абу Али ибн Сино ва бошқа алломаларнинг асарларига шарҳлар ёзган. Фахриддин Розийнинг вафоти ҳақида ҳам олимлар орасида турли фикрлар мавжуд. Баъзилари Хоразмда, баъзилари Рай шаҳрида, яна бошқалари Ҳиротда вафот этган дейишади. Аммо кўпчилиги унинг Хоразмда оғир касаликка чалинганини эътироф этиб, у ерда вафот қилганига гувоҳлик беришади. Шунга кўра, Фахриддин Розий ҳижрий 606 (милодий 1209) йили рамазон ойининг 15 кунида боқий дунёга кўчгани айтилади. Фахриддин Розийнинг "Жомеъ ул-улум" ("Илмлар тўплами") асари қомусий асар бўлиб, Хоразмшоҳ Алоуддин Такаш илтимосига биноан ёзилган. Ҳар бир фан асослари 3 га бўлиниб, оддийдан мураккаб тамойили асосида тушунтирилади: оддий асослари (ал усул ал зоҳирот), мураккаб (ал усул ал мушкулот), такрорлаш учун саволлар (ал имтиҳонот). Асарнинг 47 боби "Мусиқа" боби ҳисобланади. Фаҳриддин ар-Розий фикрича "Ҳеч ким ҳақиқий онг ва жисмоний ҳолат билан тирик одамларча тафаккур қилишга эга бўлишдан кўра мусиқа илмига чуқурроқ кириб бора олмайди" [7.Б.26].

Шарқ олимларининг назарий қарашлари мусиқа тажрибаси асосида шаклланган бўлиб, улар ўз рисолаларида мусиқа чолғусини жамиятда тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида атрофлича маълумот берганлар. Абу Наср Муҳаммад Форобийнинг (873-950) "Мусиқа ҳақида 414 катта китоб" ("Китоб ал-мусиқа ал-кабир"), Абу Али ибн Синонинг (980-1037) "Даволаш китоби" ("Китоб ум-шифо") қомусидаги "Мусиқа ҳақида рисола", Ал Хоразмийнинг X аср "Билимлар калити", Сафиуддин Урмавийнинг (1216-1294) "Олийжаноблик ҳақида китоб" ёки "Шарафий китоби", Абдураҳмон Жомийнинг (1414-1492) "Мусиқа ҳақида рисола", Абдулқодир Мароғий XВ аср "Мусиқа илмида оҳанглар тўплами" ("Жами ал-алҳон фи-илм ал-мусиқий") рисолаларида мусиқа ижрочилиги ва ҳалқ чолғу асбоблари ҳақида муҳим маълумотлар берилган.

Мусиқий чолғуларни илмий таснифлаш анъанаси кейинги давр манбаларида ҳам давом этганини кўриш мумкин. Ибн Зайла (XI) ўзининг "Мусиқага оид тўлиқ китоб"да мусиқий чолғуларни таснифлаб, уларни қуйидаги гуруҳларга бўлади:

– торли, пардали тирнама асбоблар -*уд* ва *танбур* кабилар;

– торли, пардаларсиз, нағмалар орасидаги фарқ торнинг узун ва қисқалиги билан белгиланувчи чолғулар -*санж* ва *шохруд* кабилар;

– торли пардаларсиз, нағмалар орасидаги фарқ эшак ва харраклар воситасида торни қисқартириш ё узайтириш орқали белгиланувчи асбоблар - *анқо* кабилар;

– торли, болғача, чўплар билан уриб чалинувчи асбоблар -*хитой чанги* кабилар.

– пуфлама-дамли асбоблар - *най, яруа, арғанун, сурнай* ва *мешли сурнай* кабилар;

– чўзиқ муттасил товушли асбоблар – *най, сурнай* ва *рабоб* (камончали асбоб) кабилар;

– усул бериб турувчи урма асбоблар – *ноғора, доира, қўлқарсак* кабилар.

Ибн Зайла чолғуларни таснифлаш билан бирга, ёқимли товуши билан ажралиб турувчи ва инсон халқумига тақлид қила оладиган чолғулар номини келтиради, уларни қайси гуруҳга мансублигини аниқ қилиб (*рабаб*(камонли чолғу), *мазамир* (дамли чолғу), *уд* (торли тирнама чолғу), *миъзафа* (арфасимон чолғу) кўрсатиб ўтган. Алломани усталик билан мусиқий чолғуларни товуш чиқариш хусусиятига қараб берилган

таснифоти, уларни тасаввур этишимизга ёрдам беради. Бу алломадан фарқли ўлароқ эронлик мусиқа назариётчиси Қутбиддин аш-Шерозий (1236-1310) “Дар илми мусиқий” (“Мусиқа илмида”) рисоласида мусиқа чолғулари ҳақида сўз юритар экан, уларни қуйидагича таснифлайди. Вибрацияга (тебраниш) асосланган чолғулар:

– торли (*уд, рубоб, танбур, чанг, нузха, қонун* ва ҳ.к.);
– торсиз (*анқо, авони, меҳтар*);
– пуфлама (*най, сурнай*);
– сиқиқ ҳаво воситасида товуш чиқазиладиган (*арғанун)* [6.Б.58].

Хулоса сифатида шуни қайд этиш лозимки, биргина Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг мусиқа санъатида олиб борган йирик тадқиқотлари асосида шахсни тарбиялаш, унинг эстетик онгини ривожлантириш, мантиқий фикрини такомиллаштиришнинг илмий-назарий асослари яратилган бўлиб, мазкур тадқиқотлар ижодкор шахслар тарбиясида илмий ижод ва мантиқий фикрлашнинг назарий-методологик асосларини таъминлайди.

**Adabiyotlar/Литература/References:**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.– 176 б.
2. Каримов И.А. “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. – Самарқанд. 2014 йил 15 май. “Халқ сўзи”, 2014, 16 май.
3. Абдужаббарова М. “Таворихи мусиқийн”да шарқ мусиқа илми намоёндалари ҳақида // “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирлари тарихий меросида санъат ва маданият масалалари”. Халқаро илмий-назарий ва амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: Lesson press, 2016.
4. Балтаниязов С. Ўрта асрдаги Шарқ мусиқа маданияти // “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирлари тарихий меросида санъат ва маданият масалалари”. Халқаро илмий-назарий ва амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: Lesson press, 2016.
5. Маврулов А. Ўрта асрларда Ўзбекистон санъатидаги трансформацион жараёнлар // “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирлари тарихий меросида санъат ва маданият масалалари”. Халқаро илмий-назарий ва амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: Lesson press, 2016.
6. Орипов З. Шарқ мусиқий манбашунослиги (X-XI асрлар). – Тошкент: 2008. Убайдуллаева Д. Фаҳриддин Розий // “Ҳидоят” журнали. 2011. № 5.

**ISSN:** 2181-1342 (Online)
**Сайт:** https://scienceproblems.uz
**DOI:** 10.47390/SP1342V3SI4Y2023

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Махсус сон

*№ S/4 (3) – 2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари"** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис**: "SCIENCEPROBLEMS TEAM" масъулияти чекланган жамият

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).